Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Тошкент шаҳридаги "Ишга марҳамат" мономаркази ва Тошкент шаҳар "ШАРОИТ ПЛЮС" ногиронлар жамоат бирлашмаси ўртасидаги ўзаро келишув меморандуми

Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Тошкент шаҳридаги "Ишга марҳамат" мономаркази (қуйида " Мономарказ" деб юритилади) бир томондан ва Тошкент шаҳар "ШАРОИТ ПЛЮС" ногиронлар жамоат бирлашмаси (қуйида "Бирлашма" деб юритилади")иккинчи томондан, қуйида "Томонлар" деб юритилади,

1-модда. Меморандум мақсади

Ушбу меморандум Тошкент шаҳридаги ногиронлиги бўлган шахсларни замонавий касбларга ўқитиш ва уларнинг бандлигига ҳар томонлама кўмаклашиш борасидаги Томонларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида тузилди.

2-модда. Асосий вазифалар.

Тошкент шаҳридаги ногиронлиги бўлган шахсларни очиқ меҳнат бозорида муносиб иш билан таъминлаш ва замонавий касбларга ўқитиш мақсадида ўзаро ижтимоий шерикчилик муносабатларини ўрнатиш истагида, қуйидаги асосий соҳаларда биргаликдаги ташаббусларни амалга ошириш орқали ҳамкорлик қиладилар:

а) ўзаро манфаатли тадбирлар, семинар, давра суҳбатларида иштирок этиш;

б) меҳнат бозорида ишсиз ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш бўйича кенг имкониятлар яратиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтож ва иш излаётган қатламлари, шунингдек, ёшларнинг бандлигини таъминлаш бўйича фаол сиёсатни ишлаб чиқиш;

в) ишсизлар ва иш излаётган ногиронлиги бўлган шахсларни меҳнат бозори талабларидан келиб чиққан ҳолда профессионал тайёрлаш;

г) Томонлар ваколатлари доирасида белгиланган бошқа йўналишларда ишларни олиб бориш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Меҳнат органлари тузилмасини такомиллаштириш ва фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва меҳнатини муҳофаза қилиш тизимини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" 20.08.2018 йилдаги ПҚ-3913-сон ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Маҳаллаларда ижтимоий хизматларни кўрсатиш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ёрдам бериш тизимини янги босқичга кўтариш ҳамда хотин-қизларни касбга ўргатиш ишларини

янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 29.06.2022 йилдаги ПҚ-300-сон Қарорларида белгилаб ўтилган ўзаро манфаатли бошқа соҳалар.

3-модда. Ҳамкорлик Меморандуми доирасидаги маълумотларни сир сақлаш.

Мазкур ҳамкорлик Меморандуми доирасидаги ҳамкорлик амалдаги қонун ва қоидалари асосида амалга оширилади. Томонлар ушбу ҳамкорлик Меморандумини амалга оширишда ва ахборот алмашинуви натижасида олинган иккинчи тарафнинг махфий маълумотларини уларнинг ёзма розилигисиз ошкор этишга хақли эмас.

4-модда. "Ишга марҳамат" мономарказининг ўзаро ҳамкорлик борасидаги вазифалари.

2-1. Тошкент шаҳридаги "Ишга марҳамат" мономаркази:

А) Тошкент шаҳрида ногиронлиги бўлган шахсларни замонавий касбларга ўқитиш ва малакасини ошириш мақсадида улар учун қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этади;

Б) Ногиронлиги бўлган шахсларни ўқишга қабул қилишда берилган имтиёз ва шунингдек, меҳнат бозорида ногиронлик белгиси бўйича камситишга йўл қўймаслик улар учун тенг шароитлар яратиш иш берувчилар ва ногиронлиги бўлган иш изловчилар учун ўқув-амалий қўлланмаларни ишлаб чиқиш (ўзбек ва рус тилларида) ва тарқатиш;

В) Тошкент шаҳридаги иш берувчилар ва ногиронлиги бўлган иш изловчиларга инклюзив меҳнат бўйича маҳсус тренинглар ташкил этишда яқиндан ёрдам беради;

Меморандумда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун бирлашма ходимларига мономарказдаги "Имкониятлар маркази" учун ажратилган хонани вақтинчалик фойдаланиш учун амалий ёрдам беради;

Г)Ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини, эркинликларини ва қонуний манфаатларини, улар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган меҳнат имтиёзлари ва преференциялар ҳақида кенг жамоатчилик хабардорлигини ошириш ва тушунтириш ишларини Бирлашма билан ҳамкорликда амалга ошириш;

Бирлашмага Тошкент шаҳридаги иш берувчилар ўртасида ногиронлиги бўлган шахслар учун ташкилотларда иш ўринларини захираланиши юзасидан жамоатчилик назоратини ҳамда меҳнат боозоридаги

инклюзивликни таъминлашдаги муаммоларни ўрганиш мақсадида ижтимоий сўровнома ўтказишга кўмаклашиш;

Тошкент шаҳридаги ногиронлиги бўлган шахсларнинг очиқ меҳнат бозорида ўзига мос бўлган иш топишлари учун Бирлашмага меҳнат ярмаркасини ташкил этишда ёрдам беради;

Ҳамкорлик жараёни ва унинг натижаларини Бирлашма билан ҳамкорликда мониторинг қилади ва баҳолайди.

5-модда. Тошкент шаҳар "ШАРОИТ ПЛЮС" ногиронлар жамоат бирлашмасининг ўзаро ҳамкорлик борасидаги вазифалари.

- Меморандум мақсадларига эришиш учун иш топишда қийинчиликларга дуч келаётган ногиронлиги бўлган шахсларни аниқлашда Мономарказга кўмаклашиш ва улар тўғрисида доимий ахборот билан алмашиш;
- Инклюзив меҳнат масалалари бўйича Мономарказ ва бошқа давлат органлари билан тажриба алмашиш;
- Ногиронлиги бўлган шахсларнинг очиқ меҳнат бозорида муносиб иш топиш жараёнларида махсус рекрутинг веб-портали www.ishplus.uzорқали бевосита кўмаклашади ва бўш иш ўринлари (вакансиялар), амалиётлар ва ўқув курслари ҳақида тўлиқ маълумотлар базасини шакллантиради;
- Тошкент шаҳридаги иш берувчилар ўртасида ўтказилган сўровнома натижаларини таҳлил килади ва инклюзив меҳнат муаммолари ечими юзасидан Мономарказга тегишли таклифларни ишлаб чиқиб тақдим этади;
- Тошкент шаҳрида ногиронлиги бўлган шахслардан иборат гуруҳларни тузиш ва ушбу гуруҳларни касбга ўқитиш бўйича ташкил этиладиган ўқув курсларида ўқитиш учун Мономарказга таклиф этиш;
- Тошкент шаҳридаги иш берувчилар ва ногиронлиги бўлган иш изловчиларга инклюзив меҳнат борасида махсус тренинглар ташкил этади;
- Халқаро ва маҳаллий ташкилотлар билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида инклюзив бизнес форум ва ногиронлиги бўлган шахслар учун меҳнат ярмаркасини ташкил этиш;
- Ҳамкорлик жараёни ва унинг натижаларини Мономарказ билан ҳамкорликда мониторинг қилади ва баҳолайди.

6-модда. Ҳамкорликни амалга ошириш.

Томонлар ҳамкорликни қуйидаги шаклларда амалга оширадилар:

а) Томонларнинг фаолият доирасига кирувчи соҳалар бўйича қонун ва тегишли норматив ҳужжатлар, ахборот-таҳлил материаллари ва тадқиқотлар натижаларини алмашиш;

б) мутахассислар ва раҳбарлар даражасидаги ташрифларни ташкил этиш;

в) халқаро ташкилотлар иштирокида дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш;

д) меҳнат бозорида илмий ва демографик тадқиқотлар ўтказиш;

е) Томонлар ваколатлари доирасида белгиланган ҳамкорликнинг бошқа шакллари.

7- модда Меморандумнинг ҳуқуқий ҳолати

а) Ушбу меморандумнинг шартлари ва ҳуқуқий ҳолати бўйича Томонлар зиммасига ҳеч қандай ҳуқуқий ёки молиявий мажбуриятларни юкламаслигини тан оладилар. Мазкур меморандумнинг 3-моддада назарда тутилган махфийлик режимига риоя қилиш бундан мустасно.

б) Мазкур меморандум асосида аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда Томонлар билан алоҳида музокаралар олиб борилади ва келишилади.

в) Мазкур меморандумнинг имзоланиши томонлар фаолиятида амал қилинадиган қонун ҳужжатларини бузмайди.

г) Мазкур меморандум дастлабки келишув эмас ва унинг бажарилмаслиги ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди.

8-модда. Ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

Томонларнинг ўзаро розилиги билан мазкур Меморандумга алоҳида баённома (протокол) расмийлаштиш орақали ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

9-модда. Низоларни ҳал этиш.

Мазкур Меморандумни талқин қилишда ёки қўллашда юзага келадиган келишмовчиликларни Томонлар музокаралар ва маслаҳатлашувлар йўли билан ҳал этадилар.

10-модда. Меморандум муддати.

Меморандум ___ йил муддатга тузилади. Меморандумнинг амал қилиш муддати, агар Томонлардан ҳеч бири тегишли давр тугашидан олти ой олдин ўзининг Меморандум амал қилишини тўхтатиш мақсади тўғрисида бошқа

Томонни ёзма равишда хабардор қилмаса, келгуси__йиллик даврларга узайтирилади.

Ушбу Меморандум имзоланаган кундан кучга киради.

Саттарова А.Ю.
Тошкент шаҳридаги "Ишга марҳамат" мономаркази директори

Рахимова М.А.
Тошкент шаҳар "ШАРОИТ ПЛЮС" ногиронлар жамоат бирлашмаси раиси